O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №
201000

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

2000 йил 12 октябр пайшанба

Сотувда эркин нархда
№ 203 (2500)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

## ЛОЙИҲА АКАДЕМИЯДА МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

***Бу тадбир, яъни «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонун лойиҳасининг муҳокамаси пойтахтимиздаги Банк-молия академияси тингловчилари иштирокида бўлиб ўтди.***

Бу бежиз эмас. Чунки Банк-молия академияси тингловчилари, ўқув жараёни давомида шу соҳанинг энг сўнгги билимлари билан қуролланмоқдалар. Булар бюджет тизимининг хусусиятлари, тартиби ва механизмини бошқаларга нисбатан пухтароқ биладилар, деганидир. Ҳа, адашишмаган экан. Зеро, муҳокама давомида академия тингловчилари мазкур лойиҳани жуда ҳам пухта ўрганганликларини намойиш қилдилар. Хорижий мамлакатлар ва ўзимиздаги тажрибалардан келиб чиққан ҳолда лойиҳага доир кўплаб мантиқий таклиф-мулоҳазаларини билдирдилар.

Муҳокама уч соатга яқин давом этди. Унда сўз ололмай қолганлар таклифларини Олий Мажлиснинг тегишли қўмитасига ёзма равишда билдиришлари келишиб олинди. Тингловчиларнинг лойиҳа юзасидан берган саволларига Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси А. Аҳадов, раис ўринбосари Б. Панаев, Банк-молия академияси ректори, Олий Мажлис депутати М. Очилов ҳамда молия вазирининг ўринбосари Ж. Қўчқоровлар атрофлича жавоб бердилар.

**Ўз мухбиримиз.**

Леонид КУЧМА:

# ЎЗБЕКИСТОН — СТРАТЕГИК ҲАМКОРИМИЗ

***Бугун Украина Президенти Леонид Кучманинг Ўзбекистонга расмий ташрифи бошланади. Ташриф арафасида Украина раҳбари Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА мухбирига интервью берди.***



**— Жаноби Олийлари, аввало, интервю беришга рози бўлганингиз учун Сиздан жуда миннатдормиз. Жаноб Президент, мустақиллик йиллари давомида Украинада ҳам, Ўзбекистонда ҳам катта ўзгаришлар рўй берди. Сиз ушбу ўзгаришларнинг қайсиларини, айниқса, муҳим, деб ҳисоблайсиз?**

— Дарҳақиқат, сиёсатда, иқтисодиётда ва одамларнинг онгида катта ўзгаришлар юз берди. Тараққиётимиз, илгари одимлаётганимиз ҳам бу ўзгаришлардан далолат бериб турибди. Бу мураккаб йўлдаги муваффақиятлар ва камчиликлар, олган сабоқларимиз хусусида тўхталиб ўтирмайман, бу алоҳида мавзу. Менимча, энг муҳими бошқа давлатлар қаторидан икки ёш мустақил давлат — Украина ва Ўзбекистон ҳам дунё харитасидан ўзининг муносиб ўрнини эгаллаганидир. Халқларимиз дунёнинг турли-туман халқлари орасига сингиб, номсиз кетмади, балки халқаро миқёсда обрў қозониб, ўзининг муносиб мавқеига эришди.

Онгимизда туб ўзгариш содир бўлганининг нечоғлик муҳим аҳамиятга эга эканини яна бир бор таъкидламоқчиман. Бугун биз ўз тақдиримизнинг ҳақиқий эгаларимиз, Украина ва Ўзбекистон келажаги учун масъулиятни чуқур ҳис этамиз.

Янгича ёндашувлар иқтисодий фаолиятимизда янги тамойиллар яратмоқда ва бу тамойиллар мамлакатларимиз иқтисодий ҳаётига чуқур кириб бораётир. Энг аввало, бу иқтисодиётни маъмурий-буйруқбозлик йўли билан бошқаришдан аста-секин воз кечиб, уни бозор иқтисодиёти воситалари билан бошқаришга ўтишдир.

**— Ўзбекистон ва Украина ГУУАМнинг фаол аъзоларидир. Сизнингча, ушбу ташкилот доирасидаги ҳамкорлигимизни қай тарзда кучайтириш мумкин ва ГУУАМ (Грузия, Ўзбекистон, Украина, Озарбойжон, Молдова) тараққиётининг истиқболини қандай тасаввур этасиз?**

— Кейинги пайтларда ГУУАМ доирасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида кўп ишлар қилинмоқда. Мазкур ташкилот тарихидаги муҳим босқич сифатида ГУУАМга аъзо давлатлар раҳбарларининг Нью-Йоркда, БМТнинг "Мингйиллик саммити" доирасида ўтказилган учрашувини алоҳида таъкидлаган бўлар эдим. Ўша учрашув якунида Озарбойжон, Грузия, Молдова, Ўзбекистон ва Украина президентлари томонидан қабул қилинган Нью-Йорк Меморандуми, назаримда, ташкилотнинг энг муҳим қўшма ҳужжатидир. У ГУУАМ доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликни амалда кўп поғонали қилишни кўзда тутади. Ушбу кенг кўламли ҳужжат ташкилот доирасида сиёсий, иқтисодий, транспорт, илмий-техникавий ва ижтимоий соҳалардаги ҳамкорликнинг асосий йўналишларини белгилаб беради. Бундан ташқари, Нью-Йоркдаги учрашув чоғида ГУУАМ доирасида эркин савдо тартибини яратиш мақсадида иш бошлашга қатъий келишиб олинди.

Ишончим комилки, ҳамкорлигимиз самарадорлигини кучайтириш омили, аввало, эришилган келишувларни бажариш, муайян ишлар ва лойиҳалар билан уларнинг мазмунини бойитишдир. Мазкур ҳужжатларнинг ҳаётга тадбиқ этилиши ГУУАМ истиқболи ва тараққиёт суръатини белгилайди.

**— МДҲ Статистика қўмитаси маълумотларига кўра, жорий йилнинг дастлабки етти ойи мобайнида Украинада саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши 11,7 фоизни ташкил этган. Бунинг сабаби нимада, бозор конъюктурасидами ёки иқтисодий ислоҳотлардами?**

— Сўзсиз, қулай ташқи иқтисодий шароит ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатига, айниқса, экспортга йўналтирилган соҳаларга — қора ва рангли металлургия, кимё саноатига ижобий таъсир кўрсатди.

Лекин айни пайтда ислоҳотларнинг саноат ишлаб чиқариши ўсишига ижобий таъсирини ҳам эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Бу ҳол ижтимоий йўналишдаги соҳаларда — енгил ва озиқ-овқат саноатида яққолроқ кўзга ташланмоқда. Мазкур йўналишда ислоҳотлар деярли якунланган бўлиб, корхоналарнинг хусусийлаштиришдан кейинги янги шароитда ишлашга мослашиш жараёни ортда қолди. Ушбу соҳаларда ишлаб чиқариш суръати, умуман саноатга нисбатан олинганда, уч маротаба юқоридир. Ваҳоланки, давлат томонидан ҳеч қандай молиявий ёрдам кўрсатилгани йўқ. Нодавлат секторининг тараққиёти енгил ва озиқ-овқат саноати маҳсулотлари рақобатбардошлигининг сезиларли ўсишига ёрдам берди. Бу соҳаларда маркетинг фаолияти жонланмоқда, сармоя оқими кўпаймоқда. Шу тарзда, мулкчилик шаклининг ўзгариши билан боғлиқ узоқ муддатли ижобий омиллар амал қила бошлади.

Саноат ишлаб чиқариши динамикасининг яхшиланиши жонлантирувчи механизмлар ишга тушиши билан боғлиқ. Бу механизмлар Украина Президенти Фармонлари ҳамда ҳукуматнинг тоғ-металлургия мажмуи, кемасозлик, қишлоқ хўжалиги машиналари ишлаб чиқариш соҳаларидаги иқтисодий тажрибалари билан боғлиқ тадбирлар маҳсулидир.

Саноат ишлаб чиқариши суръатининг бу йилги ўсишига изчил валюта сиёсати, аҳоли пул даромадларининг ўсиши, иш ҳақи бўйича қарзларнинг қисқариши ижобий таъсир кўрсатди.

Ҳозирги кунда саноат ишлаб чиқаришидаги ижобий кўрсаткичларни мустаҳкамлаш керак. Украина Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг саъй-ҳаракатлари ҳам ушбу соҳа муаммоларини ҳал қилишга йўналтирилган. Жумладан, бундай муаммолар сирасига энергетик заҳиралар учун ҳақ тўлаш ва энергияни тежаш борасидаги масъулиятни ошириш, хусусийлаштиришни кенгайтириш, сармоядорлар учун ўзи маъқул кўрган объектларни эркин сотиб олишга йўл очиш, солиқ сиёсатини соддалаштириш, табиий монополиялар соҳасида назоратни кучайтириш киради.

**— Мамлакатларимиз ўртасида маҳсулот айирбошлаш динамикаси барқарор эмас. Чунончи, 1997 йил ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 320 миллион АҚШ долларидан ошган бўлса, 1999 йили бу кўрсаткич 250 миллионни ташкил этди. Сизнингча, бунинг сабаби нимада?**

— Шу йилнинг саккиз ойи якунларига кўра, Украина билан Ўзбекистон ўртасидаги маҳсулот айирбошлаш ҳажми, асосан, мамлакатимизга газ етказиб берилиши ҳисобидан 25 фоиз ўсди. Ўзбекистонга маҳсулот экспорт қилиш кўрсаткичи эса аввалги йилдагидек қолди.

Ҳар томонлама ҳамкорлик бўйича Украина-Ўзбекистон қўшма комиссиясининг шу йил 12 сентябр куни Тошкентда бўлиб ўтган мажлисида савдо ҳажмини ошириш имкониятлари кўриб чиқилди. 2001 йилнинг биринчи чорагида эркин савдо тартибидаги тўловларни босқичма-босқич қисқартириш, товар айирбошлаш ҳажмининг ўсишига тўсқинлик қилувчи маъмурий ғовларни бартараф қилишга келишиб олинди.

Умид қиламанки, товар айирбошлаш ҳажми ўсишига 1999 йилда мамлакатларимиз ўртасида имзоланган 1999-2008 йилларда иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Бу шартнома Украина-Ўзбекистон ҳамкорлигининг асосий йўналишлари, қўшма сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш, савдо учун янги имкониятлар яратиш, фаолиятимизни экспортни назорат қилишнинг халқаро меъёрларига мос равишда мувофиқлаштириш, маҳсулот ва транспорт транзити учун зарур шароитни таъминлаш каби масалаларни қамраб олган. Шу тариқа, маҳсулот айирбошлашдаги сиз эслатиб ўтган беқарорликни биргаликда ҳал этамиз. Зеро, бундан Украина ҳам, Ўзбекистон ҳам манфаатдордир.

**— Президентимиз Ислом Каримов 1998 йил феврал ойида Украинага буюрган ташрифи чоғида Днепропетровск шаҳрида ҳам бўлган эди. У ерда ишлаб чиқарилаётган фазовий аппаратлар давлатимиз раҳбарида катта қизиқиш уйғотганди. Ўзбекистонда ҳам фазовий тадқиқотлар борасида бой тажриба тўпланган. Бу соҳадаги ҳамкорлигимиз борасида нималар дея оласиз?**

— Аввало, сиз айтган фикрни мамнуният билан таъкидламоқчиман: Ислом Абдуғаниевич юртимизга буюрган ўша ташрифи асносида, ҳақиқатан ҳам, фазовий тадқиқотлар соҳасидаги ютуқларимизга қизиқиш билдирганди. Ўз навбатида, мен ҳам Ўзбекистоннинг бу соҳадаги улкан илмий-техникавий салоҳияти билан бевосита танишман.

Биз бу борада ҳам яқин ҳамкорликка тайёрмиз, Ўзбекистон томонида ҳам шундай интилиш борлигини ҳис этиб турибмиз. Мутахассислар даражасидаги мулоқотлар аллақачон ўрнатилган. Энди энг муҳими ният қилинган ишлар ва режаларни ҳаётга тадбиқ этишдир. Бизнинг муҳтарам Президент Каримов билан вазифамиз эса ушбу истиқболли соҳадаги икки томонлама ҳамкорликка кучли сиёсий туртки беришдан иборат.

**— Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик борасида сўз кетганда, давлат раҳбарларининг, яъни Сиз ва Президент Ислом Каримовнинг дўстона муносабатлари ҳам эътибордан четда қолмайди. Украина-Ўзбекистон муносабатларида ушбу омил қандай ўрин тутади, деб ўйлайсиз?**

— Давлат раҳбарларининг ўзаро муносабатлари катта сиёсат майдонида доимо муҳим аҳамиятга эга бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар ҳам бундан мустасно эмас. Мен муҳтарам Ислом Абдуғаниевични нафақат стратегик ҳамкор, Украинага дўст давлатнинг раҳбари, деб биламан, балки, мен учун Президент Ислом Каримов яқин дўст, донишманд ва жозибадор инсон, ниҳоят, зукко суҳбатдош ҳамдир. Бундай инсон билан биргаликда кўплаб, жумладан, ўта мураккаб муаммоларни ҳал этиш мумкин.

Президент Ислом Каримов мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга қўшган улкан шахсий ҳиссаси учун Украинанинг олий давлат мукофоти — 1-даражали Князь Ярослав Мудрий ордени билан тақдирланган. Ушбу мукофот тўғрисидаги Фармонга чуқур мамнуният билан имзо чекканимни алоҳида таъкидламоқчиман.

**— Ва ниҳоят, Президент жаноблари, Ўзбекистонга ташрифингиздан кўзланган мақсад ва кутилаётган натижалар ҳақида сўзлаб берсангиз.**

— Ташрифдан асосий мақсадлар сирасида қуйидагиларни алоҳида санаб ўтган бўлар эдим: долзарб халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан фикр алмашиш, сиёсий, иқтисодий, энергетик, илмий-техникавий ва ижтимоий соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги аҳволини таҳлил қилиш. Музокараларда икки томонлама ҳамкорликни оқсатаётган омиллар таҳлилига ва уларни бартараф этишга доир амалий қарорлар ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратмоқчимиз.

Ўзбекистон Президенти билан учрашувда БМТ, МДҲ, ГУУАМ, Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти доирасида икки томонлама сиёсий ҳамкорликни фаоллаштириш, Евроосиё транспорт йўлагини шакллантириш, Ўзбекистондан ўзининг тарихий ватани — Қримга қайтган шахслар масаласини ҳал этишда биргаликда иш кўриш каби муайян мавзулар юзасидан фикр алмашишни истар эдим.

Украина-Ўзбекистон саммитидан кўзланган асосий мақсад эса мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик ҳамкорликни янги аниқ мазмун билан бойитишдан иборат. Ишончим комилки, Украина ва Ўзбекистон Президентларининг бўлажак учрашувлари ушбу ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлайди, давлатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликка кучли туртки беради.

**Анвар КАРИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**
**(Сурат ЎзА фотоархивидан).**

***Жиззах вилоят прокуратурасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис учинчи сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда республика прокуратурасининг масъул ходимлари, вилоят, шаҳар ва туман прокурорлари қатнашди.***

## ҚОНУН ҲИМОЯЧИСИ ҚОНУННИ БУЗМАСИН

Семинарда вилоят прокуратураси ходимлари зиммаларига юклатилган муҳим вазифаларни бажариш йўлида ўз билим ва маҳоратларини ишга солаётгани эътироф этилди. Аммо қонун ҳимоячиларининг ҳаммасини ҳам ўз касбига садоқатли, ҳар қандай қонун бузилишларга муросасиз муносабатда, деб бўлмайди. Улар орасида эл-юрт урф-одатлари ва анъаналарини менсимайдиган, ўзини кўз-кўз қиладиган ҳамда мансабидан шахсий мақсадларда фойдаланаётганлар ҳам учраб турибди.

Семинар иштирокчилари шунингдек, ҳукумат қарорлари ва Президент фармонларининг ҳаётга татбиқ этилишини назорат қилишда прокуратура идоралари фаолиятидаги баъзи бир муаммолар хусусида фикрлашиб олишди.

**Йўлчи ЖЎРА,**
**ЎзА мухбири.**

Қарор ва ижро

## ВАТАНГА ФИДОЙИЛАР КЕРАК

Тараққиёт пиллапояларидан дадил қадамлар билан кўтарилаётган Ўзбекистонимизнинг эртанги тақдири бугунги ёшлар қўлида. Шу боис, ўсиб келаётган ёш авлодга эътибор давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Ёшлар ўқиб-ўрганишлари, эркин ижод қилишлари учун барча имкониятлар яратилди. Минг афсуски, кўрсатилаётган ғамхўрликларга қарамай айрим жойларда тарбиянинг сустлиги, ота-оналар, маҳалланинг беҳпарволиги оқибатида ҳали катта ҳаёт остонасига қадам қўйишга улгурмаган ўсмирлар ўртасида жиноятчиликка, турли диний оқимлар таъсирига мойиллик сезилмоқда. Вазирлар Маҳкамаси яқинда ёшлар маънавий дунёсини бойитиш орқали ана шундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида» қарор қабул қилди. Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети қошида ташкил этилган академик лицей ва гимназиясида бўлиб ўтган тадбирда вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Муродулла Холмуҳаммедов ўқитувчилар, ота-оналар зиммасига мазкур қарор юклайдиган вазифалар хусусида гапирди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар тарбия ишларини кучайтиришда оиланинг роли, вояга етмаган ёшларнинг онгини, тафаккурини шакллантириш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш масаласига тўхталдилар. Шунингдек, халқимизнинг азалдан юксак маданиятга, илмий салоҳиятга эга халқ бўлганлигини таъкидладилар.

— Бас, шундай экан, бизнинг халқимиз ёт диний оқимларнинг таълимига муҳтож эмас,— деди Темирйўл тумани «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари Тангир Сатторов. — Тарихимиз бу борада бизга жуда катта сабоқлар қолдирган. Гарчи ислом араб мамлакатларидан тарқалган бўлса-да, ҳақиқий диний таълимотни тарғиб қилишган не-не олиму уламолар бизнинг бобокалонларимиз — Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Имом ал-Мотурудийлар эмасми?

Тадбир сўнгида ёшлар номидан сўзга чиққан академик лицейнинг иккинчи курс толиби Хуршид Қорабеков кўрсатилаётган ишонч ва ғамхўрлик эвазига Ватаннинг ҳақиқий фидойилари бўлиб етишишларини айтди.

**М. РАББИМОВА,**
**А. ҲАЙИТОВ.**

Илмий семинар

## КУТУБХОНАЛАР — ЯНГИЛАНИШ ЙЎЛИДА

Тошкентда республикада кутубхоначилик ишларини бошқаришнинг меъёрий базаларини қайта ишлаб чиқишга бағишланган илмий семинар ўз ишини бошлади.

Йиғилишда шу соҳанинг етакчи мутахассислари библиографик ахборот узатиш ва намойиш этишнинг халқаро форматлари, Ўзбекистоннинг автоматлаштирилган кутубхоначилик тармоғини яратиш, унинг электрон ресурслари ҳамда миллий маълумот каталогини ташкил этиш юзасидан фикр алмашдилар.

— Бугун замонавий кутубхона яратиш вақти келди. Китобхонларнинг қизиқиш доираси борган сари кенгайиб бораяпти. Табиийки, оддий кутубхоналаримиз бунга жавоб бера олмайди, — дейди Ўзбекистон Фанлар академияси қошидаги илмий кутубхона директори муовини Д.Қудратова. — Шу боис, биз кутубхоналарни компьютерлаштириб, Ўзбекистон кутубхоналарининг ягона компьютер тармоғини ташкил қилмоқчимиз.

Семинарда ўзбекистонлик мутахассислардан ташқари хорижий давлатлардан ҳам меҳмонлар иштирок этди. Жумладан Литва Миллий кутубхонасининг директор ўринбосари Регина Варнене ўз мамлакатининг кутубхоначилик тажрибалари билан ўртоқлашди.

Маълумки, СОРОС фонди аввал ҳам мамлакатимиздаги кўпгина кутубхоналарга грантлар ажратган эди. Ушбу семинар ҳам СОРОС фонди ҳомийлигида ташкил этилди. Семинар давом этмоқда.

**Дилбар ТУРҒУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Шу кунларда юртимиз далаларида шоли ўрими уюшқоқлик билан олиб бориляпти. Ана шундай қизғин мавсум Қорақалпоғистон далаларида ҳам кўтаринкилик билан ўтмоқда.***



## ШОЛИЗОРЛАР ШОВУЛЛАЙДИ



*Қорақалпоғистонликлар учун бу йилги шоли парвариши осон кечмади. Сув танқислиги эса шоликорлар меҳнати самарасига салбий таъсир этди. Шунга қарамай улар мавжуд имкониятдан унумли фойдаланишди.*

*Нукус туманидаги «Қўтонкўл» жамоа хўжалигида 400 гектарга шоли экилган эди. Бироқ сувнинг камлиги сабабли, 330 гектарда шоли етиштирилди. Айни чоғда шоликорлар гектаридан 40 центнердан ҳосил олишмоқда.*

**СУРАТЛАРДА:** шоли ўрими пайти; механик Мурод Романов ва комбайнчи Мурод Бектурдиев.

**Омонбой МУРОТОВ (ЎзА) олган суратлар.**



## Қонун лойиҳаси — муҳокамада



***Аввал хабар қилинганидек, Олий Мажлис Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳузурида жамоатчилик асосида фаолият кўрсатаётган экспертлар гуруҳлари аъзолари иштирокида «Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»ги қонун лойиҳаси юзасидан «Давра суҳбати» бўлиб ўтган эди. Унда экспертлар томонидан қонун лойиҳасини янада такомиллаштиришга қаратилган кўпдан-кўп таклиф-мулоҳазалар билдирилди.***

***«Давра суҳбати»ни қўмита раиси Акмал САИДОВ олиб борди.***

# КЕНГАШЛИ ТЎЙ ТАРҚАМАС

**Акмал САИДОВ:**

— Халқимизда: «Кенгашли тўй тарқамас», деган ҳикматли гап бор.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Фидокор» газетаси мухбири саволларига жавобларида миллий мафкура борасида гапирганларида: «Бундай мафкура шу мамлакатда яшайдиган барча аҳолининг, дейлик, ҳар бир деҳқон, ишчи ёки хизматчининг, зиёлининг юрагидаги ғоялар, туйғуларни мужассам этиб, унга бунёдкорлик руҳини бахш этиши лозим», деган эдилар. Бу фикр бевосита қонунчилигимизга ҳам дахлдордир. Зеро, қонунлар ҳам халқнинг юрагидаги туйғуларга мос келганда, кўпчиликни ўйлантирган фикрларни ўзида мужассам қилгандагина одамларга бунёдкорлик руҳини бахш этиши мумкин.

Маълумки, шу пайтгача ҳам парламентимиз томонидан қабул қилинган бир қанча қонунларнинг лойиҳалари аввал умумхалқ муҳокамасидан ўтказилиб, билдирилган таклиф ва мулоҳазалар асосида қабул қилинган эди. «Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»ги Қонун қабул қилинишининг қандай зарурати бор?!

Бу саволга жавоб бериш учун, аввало, қонунлар лойиҳалари умумхалқ муҳокамасининг аҳамияти борасида фикр юритсак.

Мамлакатимизда барпо этилаётган демократик ҳуқуқий давлатнинг моҳияти акс этган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида: **«Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади»,** дейилган. Конституцияда **«давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб»** амалга оширилиши, **«давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга ошириши»** кўзда тутилган.

Демократик тузум моҳиятини намоён қиладиган, халқнинг давлатни бошқаришда иштирокини таъминлайдиган жараёнлардан бири қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасидан ўтказилишидир.

Қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасидан ўтиши унинг «легитимлиги»ни — халқ наздидаги ҳурмати ва қадрини таъминлайди.

Шунингдек, бу иш одамларнинг ҳуқуқий онгини оширишга хизмат қилади. Сир эмас, ҳуқуқий давлат барпо этиш учун фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш зарур. Қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси ўтказилар экан, бир томондан, лойиҳа мукаммаллашади, иккинчи томондан, муҳокамада қатнашаётган фуқароларнинг ҳуқуқий билимлари, демократик жараёнга кўникмаси ошади.

Энг муҳими, Ўзбекистон Президенти олдимизга қўйган «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари!» тамойили бўйича ҳаракатланишимизда халқни қонунчилик жараёнига тортиш, фуқароларимизни фаоллаштириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Фуқаронинг қонунлар лойиҳаларининг муҳокамасида қатнашиши, таклиф ва мулоҳазаларини билдириши ҳамда кўпчилик томонидан билдирилган фикрларнинг ҳисобга олиниши бевосита демократиянинг амалий ифодасидир.

Шундай қилиб, бугун биз сизлар билан ана шундай ҳам муҳим, ҳам жиддий қонун лойиҳасини муҳокама қиламиз. Албатта, мазкур лойиҳани ўта мукаммал десак тўғри бўлмас. Шунинг учун ҳам суҳбатимизда кўпдан-кўп асосли ва мантиқий таклиф-мулоҳазалар билдирилади, деб умид қиламан.

**Маматхон ТЕШАБОЕВ, юридик фанлари номзоди:**

— Аввало қонун лойиҳасининг номи ҳақида. Лойиҳа умумхалқ муҳокамасига қўйиладими ёки халқ муҳокамасига? Лойиҳанинг мақсади, муҳокамани ўтказиш тартибига қараганда, умумхалқ муҳокамасига эмас, балки халқ муҳокамасига қўйилиши кўзда тутилган. Лойиҳанинг 18-моддасида муҳокамага қўйиладиган қонун лойиҳалари давлат органлари, корхона, муассаса, ташкилот, меҳнат жамоалари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, ҳарбий хизматчиларнинг йиғилишларида, фуқаролар йиғинлари ҳамда матбуотда, телевидение ва радио орқали муҳокама қилинади, дейилган, холос. Умумхалқ муҳокамаси деганда кенгроқ муҳокама қилиш, яъни лойиҳада белгиланганидан ташқари, аҳолининг яшаш жойларида махсус ташкил этиладиган йиғилишлар ҳам кўзда тутилади. Умумхалқ муҳокамаси деганда фуқароларнинг кўпчилиги, яъни 50 фоиздан ортиғи қатнашиши керак. Ана шу мулоҳазаларни эътиборга олиб, лойиҳани **«Қонун лойиҳаларининг халқ муҳокамаси тўғрисида»ги Қонун деб номласак ҳар жиҳатдан тўғри бўларди.**

Яна бир мулоҳаза. «Ўзбекистон Республикасининг Референдуми тўғрисида»ги Қонун 1991 йилнинг ноябрида қабул қилинган. Унда давлат ва жамият ҳаётининг энг муҳим масалалари бўйича, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг қонунларини ва ўзга қарорларини қабул қилиш, уларни ўзгартириш, жамоат фикрини аниқлаш мақсадида умумхалқ овоз бериши ўтказилади, Референдумда қабул қилинган қарорлар фақат референдум ўтказиш йўли билан бекор қилинади ёки ўзгартирилади, деб белгиланган. Менинг назаримда, Референдум тўғрисидаги Қонун вақт ўтиши, янги қонунлар қабул қилиниши билан бирмунча эскириб қолди. Модомики шундай экан, Референдум тўғрисидаги Қонун ҳамда биз муҳокама қилаётган лойиҳани бирлаштириб, ягона қонун ҳолатига келтириш масаласини ҳам ўйлаб кўриш зарур.

**Сайфулла ҲАЙИТОВ, иқтисод фанлари доктори, профессор (Бухоро вилояти):**

— Маматхон ака тажрибали ҳуқуқшунос. Лойиҳага анча синчковлик билан назар ташлаганликлари кўриниб турибди. Шу ўринда қонун лойиҳасининг 3-моддасига доир бир таклиф бор эди. Мазкур моддада қонун лойиҳалари умумхалқ муҳокамасининг бешта асосий принципи белгиланган. Булар — **ихтиёрийлик, тенглик, ошкоралик, ҳамма учун очиқлик, эркин фикр билдириш.** Мен уларнинг қаторига олтинчи қилиб, **оммавийлик принципини** ҳам киритган бўлардим. Нега? Чунки оммавийлик принципи воситасида мамлакатимиздаги миллати ва эътиқодидан, қаерда яшаши — қишлоқдами, шаҳардами, қатъий назар, барча фуқаролар лойиҳа муҳокамасида фаол қатнашиш имконига эга бўларди. Айниқса, кам сонли миллат ва элатлар иштирокида лойиҳалар юзасидан семинарлар, давра суҳбатлари ўтказилса янада фойдалироқ бўлиши, шубҳасиз.

Иккинчи таклифим шундан иборатки, назаримда, 7-модданинг иккита қисмини бирлаштириш керак. Чунки уларнинг ҳар иккиси ҳам бир маънони англатади. Биринчи қисмида фуқароларнинг лойиҳа муҳокамасида иштироки ихтиёрий дейилса, иккинчисида «иштирок этишга мажбурлаш тақиқланади» дейилган. Ўзи булар битта маънони англатмайдими?

**Эркин ҚОСИМОВ, Тошкент архитектура-қурилиш институти профессори, техника фанлари доктори:**

— Лойиҳанинг 8-моддасида лойиҳаларнинг умумхалқ муҳокамасида иштирок этишда фуқароларнинг тенг ҳуқуқлиги ҳақида гап боради. Менимча, ана шу моддада руҳий жиҳатдан касалланганларнинг қатнашиш ёки қатнашмаслигини ҳам аниқ кўрсатиш керак.

**Маматхон ТЕШАБОЕВ**:

— Экспертларнинг фикрларини тинглаб, яна бир қатор таклифларимни билдиришни лозим топдим. Лойиҳанинг 1-моддасида «Ушбу қонуннинг мақсади жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалаларига дахлдор қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат» дейилган. Хўш, қонун лойиҳасининг муҳимлигини ким, қандай қилиб, қайси меъёрга асосланиб белгилайди? Бу ҳақда ҳам ўйлаб кўриш зарур.

Референдум тўғрисидаги Қонунда референдумга қўйилмайдиган қонун ва масалалар санаб ўтилган. Мазкур лойиҳада эса умумий тарзда бўлса ҳам халқ муҳокамасига қўйиладиган қонун ва қарор лойиҳаларини санаб ўтиш лозим. Буни лойиҳанинг 1-моддасида иккинчи қисм тарзида қуйидагича бериш мумкин: «Фуқаролик кодекси, Жиноят кодекси, Маъмурий жавобгарлик кодекси, давлат органларининг ваколатларини белгиловчи ҳамда уларга ўтказиладиган сайловлар тўғрисидаги қонунлар, республикамиз ҳудудида яшовчи фуқароларни кўпчилигининг, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқ ва бурчларига тегишли бўлган қонун лойиҳалари халқ муҳокамасига қўйилади».

12-моддага мувофиқ, қонун лойиҳаларини халқ муҳокамасига қўйиш ташаббуси — қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга органлар ва шахсларга, Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларига берилган. У ҳолда Республика Конституциясининг 82-моддасидаги қонунчилик ташаббуси берилган органлар ва шахслар қаторига Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларини ҳам қўшиш лозим бўлади. Шу ўринда яна бир масалани айтиб ўтиш жоиз, деб ўйлайман. Модомики шундай экан, партия фракциялари ва блокларга ҳам ана шундай ташаббус билан чиқиш ҳуқуқини бериш ҳақида ўйлаб кўриш зарур.

Амалдаги қонунларда давлат органларига сайловларда, Референдумда қатнашиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқароларига берилган. Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасида қатнашиш ҳуқуқи қайси ёшдан бошлаб берилишини ҳам белгилаш керак.

Қонун лойиҳаларининг халқ муҳокамасини ташкил этиш бирорта аниқ органга юклатилиши лозим. Чунки лойиҳанинг 16-моддасида санаб ўтилган органлар қонун лойиҳаларининг халқ муҳокамасини ташкил этиш ва уни ўтказиш учун қонун билан белгиланган ваколат ёки ҳуқуққа эга эмас. Муҳокамани ташкил қилиш, ўтказиш ва якунлаш масъулиятли иш. Сайловлар ва Референдумни тайёрлаш ҳамда ўтказиш доимий ишлайдиган Марказий сайлов комиссияси зиммасига юклатилган. Бу тадбирни тайёрлаш, уюштириш ва ўтказиш ҳам Марказий сайлов комиссияси ваколатига киритилса ёмон бўлмасди.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Қонун лойиҳаларининг халқ муҳокамасини ташкил этишни эҳтимол Олий Мажлиснинг тегишли қўмита ва комиссияларига топшириш ҳам мумкин бўлар. Лекин бу ҳолда лойиҳанинг 15-моддасини қайта таҳрир қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисидаги конституциявий қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш лозим бўлади.

**Санжар ЁҚУБОВ, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар ассоциацияси раиси:**

— Мен бир ўринда Маматхон акани қўллаб-қувватлайман. Дарҳақиқат, қонун лойиҳасининг номланиши масаласида яна бир бор ўйлаб кўришимиз лозимга ўхшайди. «Умумхалқ»ми ёки бошқачами? Қонуннинг номланиши билан мазмун-мундарижаси ўзаро мувофиқ бўлиши керак. Лойиҳанинг 3 ва 4-моддалари назаримда яхши тайёрланган. 5-модданинг учинчи бандидаги «киритиш (йўллаш)» жумласи ҳақида ҳам ўйлаб кўриш зарур.

**Расул РАҲМОНОВ, Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши раисининг ўринбосари:**

— Бу лойиҳани, таъбир жоиз бўлса, демократик жараёнлар янги босқичга кирганлигининг амалий ифодаси, деб аташ мумкин. Модомики қонун лойиҳасининг муҳокамасига тўпланган эканмиз, ўзимнинг айрим мулоҳазаларимни билдирсам. Лойиҳанинг 19-моддасида қонун лойиҳалари умумхалқ муҳокамаси иштирокчиларининг таклиф ва мулоҳазалари ҳақида гап борса-да, бу таклиф-мулоҳазаларнинг қаерга юборилиши ҳақида ҳеч нима дейилмаган.

**Акмал САИДОВ:**

— Тўғри, айнан ўша моддада ҳеч нима дейилмаган. Лекин лойиҳанинг 21-моддасида таклиф ва мулоҳазалар Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари томонидан кўриб чиқилади, деб белгиланган. Бизнингча, ана шунинг ўзи кифоя.



**Расул РАҲМОНОВ:**

— Унда 21-моддани ёки олдинга ўтказиш керак ёки 19-моддада шу жумлани яна қайтариш керак. Ана шунда янада аниқлик киритилади. Умумхалқ муҳокамасини уюштирадиган органларга жамоат ташкилотлари ҳам қўшилса мақсадга мувофиқ бўларди. Энди лойиҳаларни жойларга етказиш ҳақида. Назаримда, лойиҳалар «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталаридан ташқари, қайси соҳага тааллуқли бўлса, ўша соҳага доир ташкилотнинг тармоқ нашрларида ҳам эълон қилинса, кўпчиликка етиб боради.

**Шухрат МАҲМУДБЕКОВ, Давлат ва жамият қурилиши академиясининг профессори:**



— Мен ана шу ўринда «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарининг ташаббусини алоҳида таъкидлашни истардим. Қаранглар, ҳозир ҳамманинг қўлида «жажжигина китобча» бор. У ҳам ихчам, ҳам қулай. Ёнингда бемалол олиб юраверасан, трамвай, троллейбусда ҳам ўқиб кетаверасан. Бу қонун қабул қилингунгача бўлган жараён. Ундан кейин-чи? Назаримда, қонунлар қабул қилингандан кейин уларни кўп нусхада босиб, оммавий тарқатиш чора-тадбирлари устида ҳам ўйлаб кўриш лозим. Мен бу борада ҳам «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари ташаббусининг илк натижаларини тўлиқ қўллаб-қувватлайман. Қонунлар кўп тарқалса, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ҳам юксалади.

**Маматхон ТЕШАБОЕВ:**

— Бу таклиф нафақат мазкур лойиҳа ёки қонунга, балки барча қонунларга тааллуқли , деб ўйлайман.

**Юрий ИТКИН, иқтисод фанлари доктори, профессор:**

— Лойиҳанинг 15-моддасида Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларининг ваколатлари белгиланган. Ана шу моддага нега нодавлат нотижорат ташкилотларини қўшмаслигимиз керак?

**Тожихон САИДИКРОМОВА, «Тадбиркор аёл» уюшмаси раисининг ўринбосари:**

— Мен профессор Иткиннинг фикрини тўла қўллаб-қувватлайман. Нодавлат нотижорат ташкилотларни нафақат 15-моддага, балки лойиҳанинг 4, 16 ва 18- моддаларига ҳам киритиш керак. Уларнинг номини жамоат бирлашмалари деб эмас, нодавлат нотижорат ташкилотлари, деб ўзгартириш зарур.

**Баҳодир ИСМОИЛОВ, Инсон ҳуқуқлари бўйича Республика миллий маркази масъул ходими:**

—Юқорида лойиҳанинг 1-моддаси ҳақида гапирилиб, унинг 2-қисмида муҳокамага қўйиладиган қонунларни санаб ўтишимиз, керак, дейишди. Менинг назаримда, у аксинча бўлиши, яъни муҳокамага қўйилмайдиган қонунларнинг рўйхатини киритишимиз лозим.

**Маматхон ТЕШАБОЕВ:**

— Мен бу фикрга қўшилолмайман. Аксинча, муҳокама қилиш мумкин бўлганларинигина санаш керак. Мавриди келган экан, яна бир-икки мулоҳазаларимни айтсам. Мана юқорида айрим экспертларимиз қонун лойиҳаларини кўп нусхада чоп этиш ва тарқатиш ҳақида гапирдилар. Ўз-ўзидан маълумки, лойиҳа муҳокамасини ташкил этиш, ўтказишгача бўлган жараён муайян маблағни талаб қилади. Шу ўринда, хўш бу маблағ ким ва нима ҳисобига қопланади, деган савол пайдо бўлади. Шундай экан, харажатларни ҳисобга олган ҳолда, маълум миқдорда маблағ ажратиш ва уни сарфлаш тартибини ҳам белгилаш мумкин. Чунки Сайловлар ва Референдум тўғрисидаги қонунларда харажатлар манбаи белгиланган.

Яна бир мулоҳаза. Қонун лойиҳалари муҳокамасида ёзма шаклда қатнашганларга ёзма жавоб бериб, қабул қилинган таклифлар учун раҳмат айтилса, инобатга олинмаган таклифларнинг сабаби тушунтирилса, фуқаролар бундан ғоятда мамнун бўлишар, фаоллиги ортиб, ҳуқуқий билимлари чуқурлашарди.

Қонун лойиҳасининг тузилиши масаласида ҳам баъзи бир мулоҳазаларимиз бор. Лойиҳанинг 1-боби «Умумий қоидалар» деб номланган. Бинобарин, барча умумий қоидалар мазкур бобда берилиши зарур. Бизнинг фикримизча, 12, 13, 14, 20- моддаларни биринчи бобда берган маъқулроқ.

Лойиҳанинг 4, 5, 6, 10,16, 18, 21-моддаларида давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат ташкилотлари қаторида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳам санаб ўтилган. Уларнинг, бошқаларга ўхшаб, тегишли органи йўқ. Шунинг учун улар санаб ўтилгандан кейин тегишлича «меҳнат жамоалари», «маъмурияти» деган сўзларни, албатта қўшиш зарур.

Лойиҳанинг 6-модда биринчи қисми ортиқчага ўхшайди. Чунки бу ҳақда 14-моддада айтилган. Ёки у «халқ муҳокамасига қўйилган қонун лойиҳаларини оммавий ахборот воситалари эълон қилади» шаклида таҳрир қилинса, мазкур модданинг номига монанд бўлур эди. Шу модданинг иккинчи қисмида **«иштирокчиларининг»** сўзидан сўнг **«ўзларига келиб тушган»** жумласини ҳам қўшиб ўқиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

**Баҳодир ИСМОИЛОВ**:

— Лойиҳанинг 4-модда иккинчи қисмида «Хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг экспертлари... лойиҳаларнинг умумхалқ муҳокамасига ушбу қонунга мувофиқ жалб этилишлари мумкин», дейилган. Бизнингча, **«жалб этилишлари»** жумласи **«қатнашишлари»** сўзи билан алмаштирилса тўғри бўлади.

**Алия ЮСУПОВА, Инсон ҳуқуқлари бўйича Республика миллий маркази масъул ходими:**

— Бундан ташқари, лойиҳада халқаро экспертларнинг лойиҳа муҳокамасида иштирок этиши тартиби ҳам белгиланмаган. Лойиҳанинг бирданига учта, яъни 7-, 8- ва 19- моддаларида «таъқиқланади» дейилган сўз ишлатилган. Менимча, ана шу ўринларни бир оз юмшатиш керак.

**Жўра ҒАЙБУЛЛАЕВ, Адлия вазирлиги бўлим бошлиғи**:

— 16 ва 17-моддалардаги **«Давлат органлари»** сўзини **«вилоят ҳокимликлари»** деб ўзгартириб, янада аниқлаштириш керак. Шунда умумхалқ муҳокамасининг аниқ ташкилотчиси пайдо бўлади.

**Раъно УБАЙДУЛЛАЕВА, «Ижтимоий фикр» маркази директори, ЎзРФА академиги**:

— Қонун лойиҳаси, умуман олганда, анча пухта тайёрланган, деб айтиш мумкин. Унинг ҳатто дунё миқёсида янгилик эканлигини кўпчилик таъкидлаяпти. Таклифларга келсак, у шундан иборатки, Президентимиз сўнгги чиқишларида аҳоли фикри, ижтимоий сўровларга эътиборни кучайтириш кераклигини айтдилар. Ана шундан келиб чиққан ҳолда лойиҳанинг 15-моддасида «ижтимоий фикр мониторингини» амалга ошириш ҳақидаги тушунчани киритиш зарур, деб ўйлайман. Иложи бўлса, ижтимоий фикр ўрганилишини лойиҳанинг асосий принципларидан бири сифатида белгилаш лозим.

**Руфат РАЗЗОҚОВ, иқтисод фанлари доктори, профессор**:

— Қонун лойиҳаларини тайёрлаш, муҳокама қилиш жараёни ташқаридан қараганда ниҳоятда осондек туюлади. Қаранг, бир муҳокаманинг ўзида қанча таклиф, қанча мулоҳаза билдирилаяпти. У ҳали яна неча маротаба кўрилади, муҳокама қилинади. Бундай муҳокамалардан ташқаридаги киши Қонун қабул қилиш жараёнини кузатади, холос. Унгача бўлган жараёндан бехабар бўлиши мумкин. Мен ана шу ўринда Олий Мажлис тўплаган тажрибани алоҳида таъкидлашни истардим.

Лойиҳаларни муҳокама қилиш жараёнида, табиийки, баҳс-мунозара бўлади, бир киши иккинчи кишини мутлақо инкор қилиши, қарама-қарши фикр айтиши ёки маъқуллаши мумкин. Лекин бу асло айрим мамлакатлар парламентларидаги каби ҳақорат қилиш, мушт тушириш ёки юзига сув сепишга сабаб бўлмаслиги керак. Бир сўз билан айтганда, баҳс маданиятини шакллантиришимиз лозим. Шу боис лойиҳага «Баҳс маданияти» деган принципни киритишни маъқуллаган бўлардим. 11-моддадан сўнг «Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси жараёнида фуқароларнинг баҳс юритиш маданияти» деган алоҳида модда қўшилса, қонунимиз янада такомиллашади.

**Бобокул ТОШЕВ, юридик фанлари номзоди:**

— Давра суҳбатимизда кўп ва мантиқли таклифлар, фикрлар билдирилаётгани ҳам эксперт, ҳам иштирокчи сифатида мени ғоятда қувонтираяпти. Ҳар қандай қонуннинг мухтасар назарияси ва тили бўлади. Ва у ана шу хусусиятига кўра ҳам бошқасидан фарқланади. Мен мазкур қонунимиз Референдум тўғрисидаги Қонунни такрорламаслиги тарафдориман. Яна бир мулоҳазам шундан иборатки, лойиҳани **«умумхалқ муҳокамаси»** эмас, **«жамоатчилик муҳокамаси»** деб атасак.

Экспертларнинг айримлари юқорида 1-моддада муҳокама қилинадиган қонунларни, айримлари эса муҳокамага қўйилмайдиган қонунларни аниқлаштиришни таклиф қилишди. Шу ўринда савол туғилади: Қайси қонун муҳим ёки номуҳимлигини ким аниқлайди? Назаримда, 1-моддадаги «энг муҳим масалаларга» деган сўзларни чиқариб ташлаш керак. 19-моддада иштирокчилар таклиф ва мулоҳазаларини депутатлар орқали ҳам киритиш мумкинлигини, албатта кўрсатиш лозим. Чунки депутатлар сайловчилари билан тез-тез учрашиб туради. Назаримда, лойиҳа муҳокамасида иштирок этишнинг бундан-да қулайроқ йўли кам топилади. Юқорида экспертлар муҳокама жараёнидаги харажатларни қоплаш ҳақида ҳам гапирдилар. Бизнингча, барча харажатлар давлат зиммасига юкланиши керак.

**Фарида БАКАЕВА, юридик фанлари номзоди:**

— Лойиҳанинг 4-модда 1-қисмида «... қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан **мустасно**дир» дейилган. Назаримда, қандай ҳоллар мустаснолигини аниқлаштириш керак. 5-моддада ҳам шундай ҳолатни кузатиш мумкин. 24-моддада «... эълон қилиниши мумкин» дейилган, бизнингча, уни «эълон қилинади» деб ўзгартириш керак. Қонунларимизда иложи борича ноаниқликларга йўл қўймаслик лозим.

**Акмал САИДОВ:**

— Қаранг, давра суҳбатимизда шунча таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Бу шундан далолат берадики, қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси ишимизга фақат наф келтиради.

Истиқлол йилларида анъанага кирган ва қонунчилик фаолиятимизнинг ўзига хос хусусиятларидан бири, дарҳақиқат, қонун лойиҳаларини умумхалқ муҳокамасига чиқариб, маромига етказиш тажрибасидир. Ҳозиргача қабул қилинган ҳар 8 қонундан биттаси умумхалқ муҳокамасига чиқарилди, яъни жами 30 та қонун лойиҳаси халқимизнинг бевосита иштирокида, фуқароларнинг таклифлари, мулоҳазалари асосида тайёрланди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Оила кодекси, Хўжалик процессуал кодекси, Солиқ кодекси, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга қаратилган қонунлар лойиҳалари ана шулар жумласидандир.

Хуллас, энг муҳим қонун лойиҳаларини умумхалқ муҳокамасидан ўтказиш қонун яратувчилик фаолиятимизнинг таркибий қисмига айланди. Аммо, шунга қарамасдан, қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасини ташкил этиш, ўтказиш, муҳокамага якун ясаш, натижаларини эълон қилиш каби масалалар бирон-бир қонун билан тартибга солинмаганди. Қонун лойиҳалари умумхалқ муҳокамасининг ҳуқуқий асослари яратилмаганди.

«Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»ги Қонун жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалаларига дахлдор қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади. Айтиб ўтишимиз керакки, мазкур қонун лойиҳасининг тайёрланиши жаҳон қонунчилик амалиётида ўзига хос янгиликдир. Чунки ҳали бирон-бир мамлакат парламенти томонидан бундай қонун қабул қилинмаган.

Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси парламентимиз қабул қилаётган қонунларнинг мукаммаллашувига, янада пишиқ-пухта бўлишига хизмат қилади. Бу, биринчидан, қонунларимизга нисбатан ҳурматни шакллантирса, иккинчидан, уларнинг амалда бажарилишини таъминлайди.

***«Халқ сўзи» мухбири***
**Исмат ХУДОЁРОВ**
***тайёрлади.***

